

## 10-синф

## ЎЗБЕК ТИЛИ

## 3-вариант

**№ 1.** Туб сўзларни топинг.

- а) фироқ, кенгроқ      б) кўпроқ, сўроқ  
в) тароқ, байроқ      г) байроқ, чироқ

**№ 2.** Туссиз сўзининг маъносини аниқланг.

- а) тусини йўқотмоқ      б) тузи оз  
в) тузи кам                  г) эски

**№ 3.** Имло қондасига номувофик ёзилган қаторни аниқланг.

- а) XX-аср, 1995-йил, 7в синф, 169-чи мактаб  
б) 35-уй, 38-хонадон, 165-машк  
в) 9 май, 27 апрель, 80 йиллар  
г) 148-масала, 10-синф, IV боб

**№ 4.** Бош ҳарфлар имлосига номувофик ёзилган қаторни аниқланг.

- а) «Шарқ Юлдузи», Тошкент Давлат Университети  
б) Наврўз байрами, Тошкент метроси  
в) «Искандар» драмаси, Беруний номидаги бекат  
г) Куёш, Ер, Хабибулла ўгли Дилмурод

**№ 5.** Даллол сўзи қандай маъно англатади?

- а) брокер  
б) фразеология  
в) морфология  
г) акция

**№ 6.** Тегажок, хира сўзига тенг келадиган иборани топинг.

- а) текканга тегиб, тегмаганга кесак отади  
б) енг шимариб  
в) эси чиқиб кетди  
г) ерга урса, кўкка сачрайди

**№ 7.** Қаршилик қилмоқ сўзига тенг келадиган иборани топинг.

- а) кўзлари қинидан чиқиш  
б) икки оёғини тираб туриш  
в) ковушини тўғрилаб қўйиш  
г) жонига оро кириш

**№ 8.** Қуйидаги гапни услубини аниқланг.

Тоғ ва адирларда тўппи гул деган ўсимлик ўсади. Май, июнь ойларида гуллаб етилади.  
а) бадий    б) илмий    в) расмий    г) сўзлашув

**№ 9.** Пайт эргаш гапнинг тўғри таърифини белгиланг.

..... билдирган эргаш гап пайт эргаш гап дейилади

- а) бош гапдаги иш-ҳаракатининг муддатини  
б) бош гапдаги иш-ҳаракатнинг пайтини  
в) бош гапдаги ҳаракатнинг мақсадини  
г) бош гапдаги иш-ҳаракатининг вақтини

**№ 10.** Қуйидаги гап эргаш гапнинг қайси турига мансуб?

Ўртоқлари кўп бўлмаса-да, Лола девонасифат Ҳасан амакини ёқтирарди.

- а) шарт эргаш гапли қўшма гап  
б) пайт эргаш гапли қўшма гап  
в) сабаб эргаш гапли қўшма гап  
г) тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап

**№ 11.** Имло қондасига номувофик ёзилган қўшма сўзларни аниқланг.

- а) макка жўхори, иш ёқмас, эрта тинар  
б) белбоғ, кўзикоқорин, от қулоқ  
в) илдизмева, қирқоғайни, кўксултон  
г) тўқ сариқ, дуторбўйин, сидқидил

**№ 12.** Берилган қўшма сифатларнинг қайси ўриндагилари нотўғри ёзилган?

- а) очиқ кўнгил, яланг оёқ  
б) софдил, қўй кўз  
в) оч пушти, қоп-қора  
г) эрка - арзанда, хушфеъл

**№ 13.** Қайси қатордаги сўзлар ва сўз

бирикмалари бош ҳарф билан ёзилиши лозим?

- а) Соғликни сақлаш вазирлиги, саноат қурилиш банки  
б) Университет, академия, шаҳар  
в) Олий кенгаш, вазирлар маҳкамаси, олий кенгаш раёсати.  
г) Бирлашган миллатлар ташкилоти, девонхона, уй-жой бошқармаси

Тоғ этаги Ҳирвати қишлоғи атрофида пода ҳайдаб юрган чўпонлар ҳар куни тунда биттадан қўй ғойиб бўлаётганини сезиб қолишибди. Маълум бўлишича, сурувни (пода) айиқ оралаган экан. Чўпонлар ўғрининг адабини бериб қўйиш ниятида кечаси гулхан ёқиб уни пойлаб ўтиришибди. Бисотларида биттагина пилта милтиқ бор экан. Ниҳоят айиқ кўринибди. Чўпонлар шовқин кўтариб, уни бостириб келаверибди. Буни кўрган бир чўпон шоша-пиша милтиқни олиб, ўқ узмоқчи бўлган экан; пилтаси ўт олмабди. Айиқ эса яқинлашиб қолибди. Чўпонлар милтиқни ташлаб тирқираб қочишибди. Айиқ бемалол гулханнинг олдига келибди, кейин ерда ётган милтиқни олиб тиззасига бир уриб

## 10-синф

## ЎЗБЕК ТИЛИ

## 3-вариант

синдирибди. Шундан сўнг у битта қўйни бурдалаб ейишга тушибди. Ўша кезлари сурув томонда тулки ҳам айланишиб қолган экан. Ҳар куни у айиқнинг изидан бориб, ундан қолган саркитларни пок-покиза қилиб тушириб кетар экан. Шу куни тулки яна пайдо бўлибди. Айиқ уни кўриб қолибди-да, бир парча гўшт ирғитибди. Шу тариқа гўшт ташлаб тулкининг яқинига келтирибди-да, бир чанг солиб ушлаб олибди. Шундан кейин боя ўзи мажақлаб ташлаган милтиқни олиб, обдон ўтда қиздирибди-да даҳшатдан қотиб қолган чўпонларнинг кўзи ўнгида уни тулкининг кетига босибди. Бир неча марта буни такрорлагач, охири тулки ўлибди. Айиқ: “Еган қўйимнинг ҳақи бу” дегандек унинг ўлигини чўпонлар пусиб ётган томонга улоқтирибди. Шу-шу бу айиқ мутлақо кўринмай кетибди.

**№ 14.** Тоғ этагидаги қишлоқнинг номини белгиланг?

- а) Хирот
- б) Шахрисабз
- в) Арслонбоб
- г) Ҳирват

**№ 15.** Ким сурувни (подани) оралаган эди?

- а) Бўри
- б) Айиқ
- в) Тулки
- г) Қуён

**№ 16.** Чўпонларда қандай милтиқ бор эди?

- а) Оддий милтиқ
- б) Пилта милтиқ
- в) Қийшиқ милтиқ
- г) Бузуқ милтиқ

**№ 17.** Чўпонлар қандай йўл билан ўғрининг адабини бермоқчи бўлишди?

- а) Сувга ташлаб
- б) Темир босиб
- в) Гулхан ёқиб
- г) Жардан улоқтириб

**№ 18.** Чўпонлар айиқни қандай кўрқитмоқчи бўлишди?

- а) ўқ билан
- б) калтак билан
- в) тош билан
- г) кетмон билан

**№ 19.** Ҳикояга қандай ном берасиз?

- а) Чўпон
- б) Тулки овлаган айиқ
- в) Айиқ овлаган тулки
- г) Тулки ва айиқ

**№ 20.** Айиқнинг мақсади нима эди?

- а) Ўзини кўрсатиш
- б) Қўйни ейиш
- в) Тулкини йўқотиш
- г) Кўздан ғойиб бўлиди

**Баллни баҳога айлантириш шкаласи**  
Ҳар бир топшириқ 1 балл билан баҳоланади. Жами топшириқларнинг миқдори - 20

| баллари | баҳо |
|---------|------|
| 0-7     | «2»  |
| 8-11    | «3»  |
| 12-14   | «4»  |
| 15-20   | «5»  |